

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.27(575.1) 336.713/717

РУЗМЕТОВ ШЕРЗОДБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ Йўллари**

08.00.07-«Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2009

Диссертация иши Урганч Давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Вахабов Абдурахим Васикович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, доцент
Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич;

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Омонов Акром Абдуназарович.

Етақчи ташкилот: Тошкент Давлат иқтисодийёт
Университети.


Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил « 4 » сентябр соат « 14 » да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил « 3 » сентябр да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, и.ф.н.**

 **Ф.И. Мирзаев.**

1.ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги маъмурий номзодлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди. Фикримизча, ушбу соҳадаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Республикамыз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслиги. Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банкларида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан юқоридир. Бу эса, уларнинг депозит базаси етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

2.Республикамыз тижорат банкларида трансформация ризиқининг мавжудлиги ва унинг банкларнинг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги.

3. Республикамыз тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларга нисбатан белгиланган фоиз ставкаларининг беқарорлиги. 2005-2008 йилларда республикамыз тижорат банкларининг жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари, юридик шахсларнинг муддатли депозитлари ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Ушбу номзодлик диссертациясида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланиб, уларни ҳал қилиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар - Ж.Матук, Д.Полфреман, О.Лаврушин, В.Усоскин, Э.Рид, Д.Макнотон, К.Барлтрон, Г.Панова, Н.Соколинская, Ж.Синки, Е.Жуков, Р.Коттер, З.Ширинская, Д.Миязава, Э.Роде, Ю.Бабичеваларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган¹.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Б.Бабаев, З.Шодмоновларнинг илмий изланишларида тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган². Жумладан,

¹ Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент): Учебник. -М: Юристъ, 2002. -688 с., Усоскин В.М. Современный коммерческий банк : управление и операции/ -М: ИПЦ "Визар-Ферро", 1994. -320 с., Банки на развивающихся рынках: В 2-х томах / Пер. с англ. -М: Финансы и статистика. Т.1: Укрепление руководства и повышение чувствительности к переменам. Д.Макнотон и др. - 1994. -336 с.; Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. -М: Финансы и статистика, 1996. -272 с., Синки, мл., Джозеф Ф. Управление финансами в коммерческих банках - Пер с англ. 4-е издание. -М: СатаПаху, 1994. -820 с.

² Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование.

Б.Бабаев ўзининг "Тижорат банклари ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари" мавзусидаги диссертация ишида депозитларни банк ресурсларининг депозитли манбалари сифатида тадқиқ қилган. Тадқиқот жараёнида банкларнинг депозит сифатини такомиллаштириш, депозитларни ишлатишда банкнинг ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Б.Бабаевнинг номзодлик диссертациясида банкларнинг депозит базасига монетар омилларнинг таъсири ўрганилмаган, соф фойзли спрэд ва соф фойзли маржа ўзгаришининг депозитларнинг фойз ставкаларига таъсири каби масалалар тадқиқ қилинмаган.

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида республикада тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш масаласи мамлакатимиз олимлари томонидан алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги, унинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Урганч Давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация иши олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- тижорат банклари депозит базасининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий хулосаларни шакллантириш;

- хорижий давлатлар банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- республикада тижорат банклари депозит базасининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари қийматида таъсир қилувчи омиллар механизмини баҳолаш;

- республикада тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар моҳиятини очиб бериш;

- мамлакатимиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Авторыферат дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент: БФА, 2002. – 19 с.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ишхотларни чуқурлаштиришда банклар фаолиятини оширишнинг асосий йўналишлари. Икт. ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2005. – 19 б.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари депозит базаси ҳисобланади.

Тижорат банклари депозит базасини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар йиғиндиси **тадқиқот предметидир.**

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, таркибий таҳлил, киёсий таҳлил, индукция, дедукция, операция-қиймат, молиявий коэффициент усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- тижорат банклари депозит базаси етарлигини баҳолашнинг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва АҚШ Федерал захира тизими экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методикаларига асосланган такомиллашган услуби ишлаб чиқилди;

- тараққий этган мамлакатлардаги хорижий банклар депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш асосида қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитлари пассивлар ҳажмидаги салмоғининг юқорилиги ва барқарорлигини таъминлаш лозим;

б) трансакцион депозитларнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи ўсишининг юзага келишига йўл қўймаслик чораларини қўриш зарур;

в) ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида молиявий бозорлар ривожланмаганлиги, Марказий банк мажбурий захира сиёсатининг тижорат банклари депозит базасига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш амалиёти қўлланилиши тижорат банклари депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради;

- ушбу мантиққа асосан республикаimiz тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар моҳияти очиб берилди;

- мамлакатimiz тижорат банклари депозитларига нисбатан Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захира ставкаларини табақалаштириш, банкларга трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланишни чеклаш йўли билан уларнинг депозит базасини етарлилик даражасини ошириш таклифи асосланди;

- республикаimiz тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитлари фойз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларида трансформация рискига барҳам бериш йўли билан улар депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш илмий таклифи асосланди.

Илмий янгилиги:

- тижорат банклари депозит базаси барқарорлиги ва етарлигини таъминлашга қаратилган илмий хулосалар шакллантирилди;

- тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш имкониятлари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикасига хос бўлган тенденциялар аниқланди;

- республикамиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланди;

- мамлакатимиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унда тавсия этилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда, мамлакат банклари капиталлашуви ва ликвидлигини янада оширишга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида "Пул, кредит ва банklar", "Банк иши", "Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш" каби ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси АТ "Пахтабанк" бошқаруви (2008 йил 2 сентябрдаги далолатнома), Хоразм вилояти ҳокимлиги (2008 йил 4 ноябрдаги № 8-1790 - сонли далолатнома) амалиётида қўллаш ва Урганч Давлат университети (2008 йил 11 декабрдаги далолатнома) ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синондан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва натижалари "Иқтисодийтни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши" (Тошкент, 2008), "Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы" (Тошкент, 2008), "Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни" (Тошкент, 2008), "Иқтисодийтни эркинлаштириш шароитида минтақани инновацион фаоллигини ошириш" (Тошкент, 2008) мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Урганч Давлат университети бирлашган илмий семинарида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича

учта илмий мақола ва 8 та илмий тезис нашр қилинган бўлиб, жумладан, битта мақола чет элда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, 9 та жадвал, 7 та диаграмма ва иккита расмдан иборат. Диссертация матни 117 бетни ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий адабиётда тижорат банклари депозит базасини шакллантиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилишда унинг етарлилиги ва барқарорлиги хусусида турли қарашлар мавжуд. Депозит базасининг барқарорлиги тижорат банклари актив операцияларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили, банк пассивлари барқарорлигини оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида ва иқтисодий адабиётда тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда. Биринчи усул Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги (ДБЕ) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{ТД}}{\text{ТД} + \text{ЖД} + \text{МД}} \times 100 \%$$

Буерда:

ТД - трансакцион депозитлар;

ЖД - жамғарма депозитлари;

МД - муддатли депозитлар.

ХТТБ экспертлари тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган усулда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғи тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда ҳисобга олинмаган. Жаҳондаги аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини инспекцион текширишда "CAMEL" рейтинг тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу тизимда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{ДБЕ} = \frac{\text{Асосий депозитлар}}{\text{Депозитлар} - \text{жами}} \times 100 \%$$

Мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 75 фоиздан паст бўлмаган тақдирдагина тижорат банкнинг депозит базаси етарли ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида асосий депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

"CAMEL" рейтинг тизимида асосий депозитлар назарда тутилганда депозитларнинг банкни тарқ этмайдиган қисми тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, асосий депозитлар қуйидаги уч турдаги депозитлар: трансакцион депозитлар; муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларнинг барқарор қолдигини ўз ичига олади.

Фикримизча, "CAMEL" рейтинг тизимидаги депозит базасининг етарлилигини баҳолаш усули ХТТБнинг баҳолаш усулига нисбатан мукамалроқ ҳисобланади. Яъни, биринчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиги ҳисобга олинмоқда. Бу ҳолат муҳим ҳисобланиб, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдигидан фойдаланилганда тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан жиддий хавф юзага келмайди; иккинчидан, жамғарма депозитлари барқарор қолдигигина асосий депозит сифатида эътироф этилмоқда. Ҳолбуки, жамғарма депозитларининг маълум қисми беқарор пассив ҳисобланади. Улар трансакцион депозитлардан банкни маълум муддат олдиндан огоҳлантириш йўли билан олиниши жиҳатидан фарқ қилади.

Тижорат банклари депозит базаси етарлилигини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган муҳим жиҳатлардан бири, трансакцион депозит ҳисобрақами ва муддатли депозит ҳисобрақамини намоён этаётган янги ҳисобрақамларининг пайдо бўлаётганлиги ҳисобланади. Масалан, АҚШдаги "НАУ" ҳисобрақамлари ана шундай янги турдаги ҳисобрақами ҳисобланади. Унга бозор ставкаларида фоиз тўланади. Шу билан бирга, мазкур ҳисобрақамларда трансакцион депозит ҳисобрақамларга хос бўлган хусусият ифодаланиб, уларнинг қолдигига тўлов ҳужжатларини ёзишга руҳсат этилади.

"НАУ" ҳисобрақамларининг қолдиги барқарорлиги жиҳатидан трансакцион депозитларнинг барқарор қолдигидан қолишмайди. Шу сабабли, уларнинг қолдигини тижорат банки депозит базаси барқарорлигини аниқлашда ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Г.С.Панованинг фикрига кўра, тижорат банклари депозит базаси етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини 30 фоиздан ошишига йўл қўймастик, депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда лимитлар жорий қилиш лозим. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади³.

Шунингдек, Г.С.Панова тижорат банки депозит базаси етарлилигини

³ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М.: ИКЦ «ДИС», 1997. - с. 194

баҳолашда Россия Федерацияси банк амалиётига "базавий депозитлар" тушунчаси киритилишини таклиф қилади. Унинг фикрига кўра, жисмоний шахсларнинг 5 млн. рублгача, корхона ва ташкилотларнинг 100 млн. рублгача бўлган депозитларини базавий депозит сифатида қабул қилиш лозим⁴.

Халқаро банк амалиётида "базавий депозитлар" тушунчаси мавжуд бўлиб, ссуда капиталлари бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгаришига таъсирчанлик даражаси паст бўлган депозитлар тушунилади.

Д.Полфреман ва Ф.Фордларнинг фикрига кўра, тижорат банклари депозит базаси етарлиги ва барқарорлигини таъминлашда асосий эътибор йирик депозитларга қаратилиши лозим. Уларнинг фикрига кўра, миқдори 10 минг фунт стерлингдан кам бўлмаган ва икки йилгача муддатга қатъий белгиланган фоиз ставкаларида жалб қилинадиган муддатли депозитлар Англия тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди⁵.

Фикримизча, Д.Полфреман ва Ф.Фордлар йирик депозитларнинг тижорат банклари ликвидлилиги таъсирига эътибор қаратишмаган. Йирик депозитларни тижорат банкидан бир вақтнинг ўзида олиниши банк ликвидлилиги кескин пасайишига ва ҳатто унинг банкрот бўлишига сабаб бўлади.

Талаб қилингунгача бўлган депозитлар буйича ҳисобварақалари эгалари томонидан жорий операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади ва уларнинг қолдиги беқарорлиги билан характерланади. Шунинг учун бундай депозитлар гуруҳи даромадлилик даражаси билан ажралиб туради. Юридик шахсларга очилган талаб қилингунча ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиги буйича фоизлар умуман тўланмаслиги мумкин.

В.М.Усоскиннинг фикрига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг тақиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин, муддатли ва жамғарма депозит ҳисобварақларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкалари юқори чегараси белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади⁶.

Фикримизча, В.М.Усоскиннинг тижорат банклари томонидан трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусидаги илмий хулосаси ҳозир ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс

⁴ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - М.: ИКЦ «ДИС», 1997. - с. 201.


⁵ Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1996. - с. 110.

⁶ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. - М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - с. 106-109.

сифатида фойдаланиш ҳолатлари мавжуд. Бунинг натижасида тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик ва кредит rischi кучаймоқда. Чунки, трансакцион депозит бекарор пассив ҳисобланади ва шу сабабли исталган вақтда ҳисобрақам эгаси томонидан талаб қилиб олинishi мумкин. Кредит эса, муддатли бўлиб, уни муддатидан олдин қайтариб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш натижасида тижорат банклари депозит базасини мустақкамлаш манфаатдорлигига салбий таъсир қилади.

2009 йилнинг 1 январь ҳолатига республикаимиз банк тизимида 29 тижорат банки мавжуд бўлиб, улар пассивларининг умумий миқдори 12,1 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда, банклар томонидан жалб қилинган депозитлар - 5,8 трлн. сўмни, аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи - 1,7 трлн. сўмни ташкил қилди, (унинг таркибида муддатли ва жамғарма депозитлари улуши 85,6 фоизни ташкил қилди)⁷.

Республикаимиз тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикасини баҳолаш мақсадида қуйидаги 1-расм маълумотларидан фойдаланамиз.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикаси⁸, %

1-расм маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикаимиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқорлигича қолди. 2008 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 58,5 фоизни ташкил қилди. Бу эса, республикаимиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан

⁷ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2008 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2008. - №1. - 6. 7.


⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

далолат беради. Чунки, тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур. 2005-2008 йилларда муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу тенденциянинг юзага келиши мазкур давр мобайнида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади ва пировард натижада республикамиз тижорат банклари депозит базасининг ҳолати ёмонлашганлигидан далолат беради.

1-рasm маълумотларидан кўринадики, 2003-2008 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операциялари ривожланмаганлигидан далолат беради. Аммо 2005-2008 йилларда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, ушбу давр мобайнида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги тижорат банклари депозит базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг аксарият қисмини ташкил этади. АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади⁹.

Молиявий таҳлилни чуқурлаштириш мақсадида республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Акциядорлик-тижорат "Саноатқурилишбанк"и депозитлари таркибини таҳлил қиламиз.



2-рasm. Акциядорлик - тижорат "Саноатқурилишбанк" депозит базаси таркиби ва динамикаси¹⁰, %


⁹ Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. - М. Финансы и статистика, 2004. - с. 88.

¹⁰ АТ "Саноатқурилишбанк"нинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2003-2008 йиллар мобайнида “Саноатқурилишбанк”ида трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий даражага нисбатан юқорлигича қолган. Бу эса, унинг депозит базаси етарли эмаслигидан далолат беради. Айни вақтда, 2006-2008 йилларда трансакцион депозитлар салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги “Саноатқурилишбанк”и депозит базаси барқарорлиги учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи беқарорлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолат банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш борасида долзарб муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Энди, республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган “Пахтабанк”нинг депозит базасини таҳлил қиламиз. 3-расм маълумотларидан кўринадики, “Пахтабанк” депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитлар салмоғи “Саноатқурилишбанк”и кўрсаткичи ва республикамиз банклари бўйича ҳисобланган умумий кўрсаткичга нисбатан ижобий. Бу эса, “Пахтабанк” депозит базасининг нисбатан барқарор эканлигидан далолат беради. Лекин, шунга қарамасдан “Пахтабанк”нинг депозит базаси етарли эмас. Чунки, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқоридир.



3-расм. Акциядорлик-тижорат “Пахтабанк” депозит базаси таркиби ва динамикаси¹¹, %

3-расм маълумотлари кўрсатишича, 2003-2008 йилларда “Пахтабанк” муддатли депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи

¹¹ АТ “Пахтабанк”нинг баланс маълумотлари асосида мувллиф томонидан ҳисобланди.

бекарорлигича қолган. 2003 йилда ушбу кўрсаткич 26,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда - 24,2%, 2008 йилда эса, 20,2 фоизни ташкил қилди. Муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи бекарорлиги “Пахтабанк” депозит базаси баркарорлигини таъминлашда айрим муаммолар мавжудлиги кўрсатади.

Республикамизнинг йирик банкларидан бири бўлган “Ғаллабанк” да 2003-2008 йилларда депозитлар умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи сезиларли даражада пасайди. Бу эса, “Ғаллабанк” депозит базасининг мустаҳкамлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин, шу ўринда қайд этиш жоизки, “Ғаллабанк”нинг депозит базаси етарли эмас. Чунки, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқори.

Тижорат банклари депозитлари таркибида аҳолининг омонатлари ресурс манбаи сифатида муҳим ўрин тутди. Чунки, аҳолининг муддатли омонатлари тижорат банклари учун муқимлик даражаси нисбатан юқори бўлган молиявий манба ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасида аҳоли омонатлари таркиби ва динамикаси¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар						2008 йилда 2003 йилга нисбатан ўзгариши
	2003	2004	2005	2006	2007	2008.	
Аҳолининг банклардаги омонатлари миқдори, млрд. сўм	244,7	322,6	449,5	678,3	994,6	1644,0	6,7 марта
Аҳоли омонатлари таркибида трансакцион депозитларнинг салмоғи, %	17,0	13,8	14,5	17,6	14,9	14,8	- 2,2 ф.п.
Аҳоли омонатлари таркибида муддатли депозитларнинг салмоғи, %	72,1	42,8	55,5	58,4	61,6	61,4	- 10,7 ф.п.
Аҳоли омонатлари таркибида жамғарма, %	10,9	43,4	30,0	24,0	23,5	23,8	12,9 ф.п.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2003-2008 йилларда республикамиз тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари қолдиги ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, аҳоли пуллик даромадларининг баркарор ўсаётганлиги ва банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Тахлил килинган давр мобайнида аҳоли омонатлари ҳажмида муддатли омонатлар салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

3. ХУЛОСА

Илмий-тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосалар олинди:

1.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитлар салмоғи 30 фоиздан юқори эканлиги уларнинг депозит базаси етарли эмаслигидан далолат беради, бу эса банклар ликвидлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

2.Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, республикаимиз тижорат банклари депозит базаси етарли эмаслиги Марказий банк мажбурий захира ставкалари юқори эканлиги ва табақалаштирилмаганлиги, тижорат банклари трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланилаётганлиги, тижорат банклари молиявий хизматлари сони ва сифатини ошириш борасидаги фаолиятининг талаб даражасида эмаслиги билан изоҳланади.

3.Ривожланган давлатлар банк амалиёти тажрибаларини ўрганиш натижалари кўрсатадики, Марказий банк мажбурий захира талабномаларининг тижорат банклари ресурс базасига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида мажбурий захира ставкалари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилади. Депозитнинг суммаси қанчалик катта ва муддати қисқа бўлса, бундай депозитларга нисбатан юқори мажбурий захира ставкалари белгиланади. Аксинча, депозитнинг муддати қанчалик узун бўлса, уларга нисбатан паст ставкада мажбурий захира талабномаси қўлланилади. Мажбурий захира талабномаси қўлланишининг ушбу усули тижорат банклари трансакцион депозитларига нисбатан юқори мажбурий захира ставкалари белгилинишига, муддатли ва жамгарма депозитларига нисбатан паст захира ставкалари ўрнатилишига олиб келади.

4.Республикаимиз тижорат банклари брутто депозитлари ҳажмида жамгарма депозитлари нисбатан кичик салмоққа эга эканлиги банкларнинг жамгарма депозит ҳисобрақамларига пул маблағларини жалб этиш борасидаги фаолияти талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

5.Республикаимиз тижорат банклари юридик шахслар жамгарма депозитларига нисбатан белгилаган фоиз ставкалари даражасининг салбийлиги, яъни инфляция даражасидан паст эканлиги уларнинг реал қиймати пасайишига олиб келади, тижорат банклари жамгарма депозитларини жалб қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Республикаимиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар

ишлаб чиқилди:

1. Республикамиз тижорат банклари депозит базаси етарлигини таъминлаш мақсадида: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаларини 50 фоизга пасайтириш ва 7,5% даражасида белгилаш ҳамда трансакцион депозитларга нисбатан амалдаги 15 фоизли ставкани сақлаб қолиш зарур. Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларига тўланаётган фоиз ставкаларини сезиларли даражада ошириш имкони юзага келади, тижорат банкларининг трансакцион депозит ҳисобрақамларида йирик миқдорда маблағлар сақлаб туришдан манфаатдорлиги йўқолади. Чунки, мажбурий захира ставкалари ўртасидаги 7,5 фоизли фарқ юқори даражадаги фарқ ҳисобланади. Иккинчидан, тижорат банкларига трансакцион депозит ҳисобрақамларидаги маблағлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб ресурс сифатида фойдаланиш амалиётига чек қўйиш лозим. Ушбу амалиётнинг мавжудлиги тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган рағбатга путур етказди, чунки трансакцион депозит арзон ресурс ҳисобланади. Бундан ташқари, тижорат банклари ликвидлигига нисбатан жиддий салбий таъсир юзага келади. Бунинг боиси шундаки, трансакцион депозит тижорат банкининг беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пассиви ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкининг ликвидлигига путур етиши унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатади ва бунинг оқибатида мазкур банкининг депозитлар жалб этиш имконияти пасаяди.

2. Тижорат банклари депозитларини кредит сифатида жойлаштириш жараёнида юзага келаётган трансформация ризиғи барҳам бериш мақсадида депозитлар ва кредитларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш лозим. Республикамизнинг қатор йирик тижорат банкларида трансформация ризиғининг мавжудлиги уларнинг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш жараёнида депозитлар ва кредит муддатлари ўртасидаги мувофиқлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

3. Тижорат банклари томонидан муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш мақсадида: биринчидан, Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали миллий ссуда капиталлари бозорида депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларига таъсир этиш даражасини ошириш лозим; иккинчидан, Марказий банк ўзининг РЕПО операциялари орқали ҳукумат қимматли қоғозлари фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга эришиши зарур, учинчидан, тижорат банклари соф фоизли спрэд коэффициентининг барқарор даражасини таъминлашлари зарур.

4.Сузувчи фоиз ставкаларида муддатли депозитлар қабул қилиш амалиётини жорий қилиш ва жамғарма депозитлари фоиз ставкаларининг салбий даражага эга бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Муддатли депозитларга нисбатан сузувчи фоиз ставкаларининг қўлланилиши муддатли депозитларнинг мижозлар учун иқтисодий жозибadorлигини оширади, тижорат банклари фаолиятидаги фоиз рискинни пасайтиришга хизмат қилади, депозитлар бозор баҳоси ўзгаришини аниқроқ ҳисобга олиш имконини беради. Лекин, бунинг учун миллий ссуда капиталлари бозорининг шаклланиш жараёни тугалланган бўлиши лозим.

5.Республикамик тижорат банклари депозит базаси етарлилигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, ҳисоблаш нуқтаи-назаридан содда бўлганлиги сабабли, ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари депозит базаси етарлилигини баҳолаш методикасини асос сифатида қабул қилиш ва уни такомиллаштириш мақсадида трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини брутто депозитлар ҳажмида ҳисобга олиш ҳамда ушбу суммага трансакцион депозитлар миқдорини камайтириш лозим; иккинчидан, "НАУ" ҳисобракамлари қолдиғи барқарорлиги жиҳатидан трансакцион депозитлар барқарор қолдиғига тенг. Шунинг учун уларнинг қолдиғи тижорат банки депозит базаси барқарорлиги аниқланишида ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқ; учинчидан, республикамик тижорат банкларида соф фоизли спрэд коэффицентининг 1,25 фоизли меъёрий даражасини инфляциянинг амалдаги даражасини ҳисобга олган ҳолда ўрнатиш зарур.

6.Тижорат банклари депозит портфелини шакллантириш инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш зарур.

Банкларнинг депозит портфелини шакллантириш инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш тижорат банклари рентабеллиги ва ликвидлигининг оқилона даражасини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, депозитлар баҳоси банкнинг фоиз маржасига бевосита таъсир кўрсатади. Банкларнинг актив операциялардан оладиган даромадлари пасайиши депозитларнинг баҳоси ўзгармаган шароитда ҳам фоиз маржасининг пасайишига олиб келади. Ўз навбатида, депозитларнинг фоиз ставкаси фоиз маржасининг қуйи чегарасига таъсир кўрсатади. Фоиз маржасининг юқори чегарасига эса, актив операциялар даромадлилига таъсир кўрсатади. Лекин, шунинг эътиборга олиш жоизки, депозит базаси барқарорлиги ҳам, актив операциялар ҳажми ва даромадлилигига таъсир этиш йўли билан фоиз маржасининг юқори чегарасига таъсир кўрсатади.

Депозитлар барқарорлигини аниқлаш бўйича қўлланиладиган аъъанавий ёндошув қуйидаги уч кўрсаткичдан фойдаланишга асосланади:

- депозитларнинг ўртача сақланиш муддати;
- депозитларнинг банкда туриб қолиш даражаси;
- депозитлар қолдиғининг барқарорлиги.

Фикримизча, юкорида кайд этилган уч коэффициент мижозларни аниқ гуруҳларга бўлган ҳолда қўллаш депозитларнинг барқарорлик даражаси тўғрисида реал тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Мижозларни оборотига кўра, 4 гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- кичик оборотга эга бўлган мижозлар, (яъни 10 млн. сўмгача ойлик оборотга эга бўлган мижозлар);

- ўртача оборотга эга бўлган мижозлар, (10 млн.дан 100 млн. сўмгача ойлик оборотга эга бўлган мижозлар);

- катта оборотга эга бўлган мижозлар. (100 млн.дан 1 млрд. сўмгача ойлик оборотга эга бўлган мижозлар);

- жуда катта оборотга эга бўлган мижозлар, (1 млрд. сўмдан ортиқ ойлик оборотга эга бўлган мижозлар).

Ҳар бир мижозлар гуруҳи бўйича депозитларнинг ўртача муддати, сақланиш даражаси ва қолдиғи барқарорлигини аниқлаш тижорат банки депозит базаси барқарорлиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулоса чиқариш имконини беради.

4.ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РҲЙХАТИ

1. Рузметов Ш.Б. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини бошланғич сармоя билан таъминлаш ҳуқуқий асослари. //Вилоят илмий-амалий анжумани материаллари. -Урганч, 2002. -35-37 б.

2. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари. //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатни ислоҳ қилишнинг айрим муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. -Урганч, 2005. -43-45 б.

3. Рузметов Ш.Б. Тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини баҳолаш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. // Иқтисодий модернизациялаш шароитида минтакаларнинг барқарор ривожланиши. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, "Молия", 2008. -336-338 б.

4. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўналишлари. // Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, Молия, 2008. -380-381 б.

5. Рузметов Ш.Б. Рост доходов населения как источник инвестиционных ресурсов региона. //Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Тошкент, 2008. -с. 77-79.

6. Рузметов Ш.Б. Тижорат банкларида депозит базаси барқарорлигини баҳолаш. // Иқтисодий ва таълим. -Тошкент, 2008. -№ 3. -119-121 б.

7. Рузметов Ш.Б. Приоритетные направления в увеличение депозитной базы банков Узбекистан. // "Экономика и финансы", -Москва, 2008. -№9. -с. 29-31.

8. Рузметов Ш.Б. Тижорат банклари депозит базасининг етарлигини таъминлаш муаммолари. //Материалы международного научно-практической конференции. Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы. -Тошкент, 2008. -110-112 б.

9. Рузметов Ш.Б. Тижорат банклари депозит базасини шакллантириш амалиётига хос бўлган тенденциялар. // Биржа эксперт. -Тошкент, 2008. -№ 9-10. -17-19 б.

10. Рузметов Ш.Б. Анализ депозитной базы коммерческих банков Узбекистана. // Инновационные проблемы социально-экономического развития региона. Материалы научно-практической конференции. - Ургенч, 2008. - с. 63-65.

11. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистонда тижорат банклари депозит базасининг етарлигига таъсир килувчи омиллар. // Ўзбекистон Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Бухоро, 2009. -170-172 б.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Рузметов Шерзодбек Бахтияровичнинг 08.00.07-"Молия, пул муомаласи ва кредит" ихтисослиги бўйича "Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари" мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: тижорат банклари, банкнинг депозит базаси, давлатнинг депозит сиёсати, монетар омиллар, молия муносабатлари, депозит базасининг барқарорлиги, трансакцион депозитлар, жамғарма депозитлар, депозит базасининг етарлилиги, аҳолининг пул маблағлари.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари депозит базаси ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот методлари: гуруҳлаш, таркибий таҳлил, кийсий таҳлил, индукция ва дедукция, молиявий коэффициент.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тижорат банклари депозит базаси барқарорлиги ва етарлигининг моҳияти очиб берилган; тараққий этган давлатлар тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш борасидаги илгор тажрибаларидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш юзасидан илмий-амалий тавсиялар шакллантирилган; Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикасига хос бўлган тенденциялар аниқланган; республикамиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар таҳлил қилинган ва уни ҳал этиш йўллари кўрсатилган; мамлакатимиз тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида тавсия этилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари, ҳукуматнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самардорлиги: тадқиқотлар жараёнида олинган, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари, Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Диссертация иши натижаларидан олий ўқув юртларида "Пул, кредит ва банклар", "Банк иши", "Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш" ўқув курслари дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Рузметова Шерзодбека Бахтияровича на тему: «Пути укрепления депозитной базы коммерческих банков Узбекистана» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07-«Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: коммерческие банки, депозитная база банка, депозитная политика государства, монетарные факторы, финансовые отношения, устойчивость депозитной базы, трансакционные депозиты, накопительные депозиты, достаточность депозитной базы, денежные вклады населения.

Объекты исследования: депозитная база крупных коммерческих банков Узбекистана.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по обеспечению устойчивости депозитной базы коммерческих банков Республики Узбекистан.

Методы исследования: группировка, сравнительный анализ, структурный анализ, индукция и дедукция, финансовые коэффициенты.

Полученные результаты и их новизна: раскрыта сущность устойчивости и достаточности депозитной базы коммерческих банков; разработаны научно-практические рекомендации по творческому использованию передового опыта обеспечения устойчивости депозитной базы коммерческих банков зарубежных стран в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан; выявлены тенденции свойственные для структуры и динамики депозитной базы коммерческих банков Республики Узбекистан; раскрыты проблемы обеспечения устойчивости депозитной базы коммерческих банков Республики Узбекистан, пути их решения, научные предложения и практические рекомендации по обеспечению устойчивости депозитной базы коммерческих банков страны.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и рекомендации могут быть использованы в разработке мероприятий, целевых программ правительства по обеспечению устойчивости депозитной базы коммерческих банков Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: полученные результаты исследования приняты для внедрения крупными коммерческими банками Республики Узбекистан. Результаты диссертации могут быть использованы в совершенствовании учебных программ и в преподавании курсов «Деньги, кредит и банки», «Банковское дело», «Управление финансовыми ресурсами коммерческих банков» в высших учебных заведениях.

Область применения: коммерческие банки Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

thesis of Ruzmetov Sherzodbek Bahtiyarovich on theme scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic on speciality 08.00.07- "Finance, money manipulation and credit" subject: "Ways of strengthening deposit base of commercial banks of Uzbekistan"

Key words: commercial banks, deposit base of bank, deposit politics of the state, monetary factors, financial relations, stability of deposit base, memory deposit, sufficiency of deposit base, money contributions of the population

Subject of the inquiry: Deposits base of large commercial banks of Uzbekistan.

Aim of the inquiry: Development of the scientific offers and practical recommendations for maintenance of stability of deposit base of commercial banks of Republic of Uzbekistan.


Methods of the inquiry: Methods of statistical groupings of the system analysis and comparisons of an induction, deduction of operational importance of financial factors of theoretical and scientific generalization.

The results achieved and their novelty: The scientific conclusions on the of stability and sufficiency of deposit base based on experience commercial banks are proved; the practical recommendations, of maintenance of stability of deposit base of commercial banks of foreign countries, for the activity of commercial banks of Republic of Uzbekistan are developed scientifically -; the original tendencies of dynamics and structure of deposit base of commercial banks of Republic of Uzbekistan are determined; the analysis of problems of maintenance of stability of deposit base of commercial banks of Republic of Uzbekistan is taken account of; the scientific offers and practical recommendations for maintenance of stability of deposit base of commercial banks of the country are developed.

Practical value: The developed scientific offers and recommendations can be used in development of measures on maintenance of stability of deposit base of commercial banks of Republic of Uzbekistan, in increase of their economic efficiency.

Degree of embed and economic effectivity: The received results of research are accepted for introduction by large commercial banks of Republic of Uzbekistan. The results of the dissertation can be used in perfection of the educational programs and in teaching subjects "Money, credit and banks", "Bank business", "Managements of financial resources of commercial banks" in higher educational institutions.

Sphere of usage: Commercial banks of Republic of Uzbekistan, higher educational institutions.

Тадқиқотчи: 

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	03.07.2009 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	440

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкўчаси, 49-уй
e-mail: talaba@tsue.uz